

Магистратурада ўқув, ўқув-услубий, илмий ва тарбиявий ишларнинг ҳолати.

Маърузачи: Магистратура бўлими бошлиғи, доцент А.А.Имамов

Тошкент тиббиёт академияси магистратура бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 02 мартдаги 36-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 06 мартдаги 78-сонли буйруғи (Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги) ва ТГА ректорининг 2015 йил 19 мартдаги № 80 буйруғи “ТГА магистратураси низоми” асосида ўз фаолиятини олиб боради.

2019-2020 ўқув йилида 49 та магистрлик мутахассисликлари бўйича 714 та магистр-талаба билим олмоқда. 142 та магистр-талаба грант асосида, 572 та магистр-талаба контракт асосида ўқийди.

Ўқитиш грант ва контракт-тўлов асосида, ўзбек ва рус тилида олиб борилади. Ўқитиш муддати 2 ва 3 йиллик.

2 йиллик магистратура мутахассисликлари (сони-20) учун ўқув юклама соати-4212 соатни ташкил қилади.

3 йиллик мутахассисликлар (сони-29) учун ўқув юкламаси - 6318 соат қилиб белгиланган. Умумий методологик фанлар улуши-450 соат қилиб белгиланган.

46 та мутахассислик магистр-талабалари 2016 йил Давлат таълим стандарти, 2017 йилда тасдиқланган Малака талаби, ўқув режаси, фан дастури асосида ўқишмоқда.

3 та янги очилган (Пульмонология, Нутрициология, Аллергология ва клиник иммунология) мутахассислик магистр-талабалари 2016 йил тасдиқланган Давлат таълим стандарти, 2019 йилда тасдиқланган Малака талаби, ўқув режаси, фан дастури асосида ўқишмоқда. Магистр-талабалар ўқув жараёни 2009 йил ТГАда ишлаб чиқилган Модератор журналида ўз аксини топади.

2019-2020 ўқув йилида 1 курсда -244 та; 2 курсда-270 та; 3 курсда-200 та магистр-талаба билим олмоқда.

2019-2020 ўқув йилида 45 йўналиш бўйича 263 та магистр-талаба магистратурани битириши режалаштирилган.

2 йиллик мутахассислар бўйича-63 та,

3 йиллик мутахассислик бўйича 200 та бўлиб, улардан 54 грант, 209 нафар контракт асосида ўқийди. Магистрлик диссертациялари “Магистратура низомида” магистрлик диссертацияларига қўйилган талаблар асосида бажарилади. Шахсий иш режаси асосида ҳар ойда кафедрада ҳисобот берилади. Ярим йиллик ва бир йиллик ҳисобот магистратура бўлимига ва факультетлар деканатларига топширилади. Декабрь ойида барча кафедраларда битирувчи магистр-талабалар бирламчи апрабацияси ўтказилади. 2020 йилнинг феврилида эса магистратура бўлимида аттестациядан ўтказилади, март ойида ички экспертиза ўтказилади. 1 апрелдан 20 апрелгача кафедралар аро апробация ўтказилади. Май ойида Мутахассислик илмий кенгашларида апробация, май ойида чет тили ва ахборот технологияларидан тест синовлари ўтказилади. 20 майдан ЯДА ўтказилиши режалаштирилган.

Шу кунга кадар барча 263 магистр-талабалар 1018 та илмий иш чоп этган(312 та мақола, 706 та тезис). 2018-2019 ўқув йилида 72 та талаба чет элга малака ошириш конференция, семинар-тренинглар, симпозиумларда иштирок этиш учун Корея, Германия, Чехия, Италия, Португалия, Хиндистон, Франция Руминия, Австрия, Россия, Голландия, Бирлашган Араб Амирлиги каби мамлакатларга бориб келдилар. Сентябрь-ноябрь 2019 йил хисобига 20 дан ортиқ магистр-талаба чет элга юборилди. 2018-2019 ўқув йилида битирувчиларнинг 29 нафари иқтидорли деб топилиб, улардан 18 таси ОТМ ларда қолдирилган. Шунингдек 2 нафар магистр талабамиз Президент стипендияси конкурсида қатнашди.

2019-2020 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган 244 магистр-талабанинг магистрлик диссертациялари кафедрада ва муаъмоли хаётда кўриб чиқилди ва ЦМКада тасдиқланди. ТТА кенгашида тасдиқланди ва 15 ноябргача сайтга қўйилди.

ТТА магистратурасида маънавий марифий ишлар ЎзР ССВнинг 20 январь 2016йилдаги №34 буйруғи, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №99 буйруғи, ТТА “Ахлоқ кодекси” ва маънавий марифий ишлар бўлими иш режаси асосида амалга оширилади. 2018-2019 ўқув йилида 46та мутахассислик бўйича 51 куратор фаолият кўрсатди. 630 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. 3ТТЖда 120 магистр талаба жой билан тامينланган.

Магистратурада мавжуд муаммолар:

1. Айрим мутахассисликларда магистр–талабаларга юқори баллар қўйилиши, дарсга келмаган талабаларга “дб” қўймаслик ва магистратура бўлимига ахборот вақтида топширилмаслиги кузатилади.

(Фтизиатрия, Травматология, Хирургия, Умумий эпидемиология, Соғлиқни сақлаш ва ЖСС бошқариш мутахассисликлари, Суд тиббий экспертизаси, Болалар ва ўсмирлар гигиенаси, Тиллар кафедраси).

2. Кўп йиллардан бери айрим мутахассисликларда қабул квоталарини бажарилмаслиги кузатилмоқда (Гематология, Фтизиатрия, Тиббий психология, Атроф мухит ва инсон саломатлиги, Тиббий генетика)

3. Тайёрланган магистрлик диссертацияларида кўплаб техник хатоликлар мавжуд. Айрим магистр-талабалар ўзлари бажарган диссертация ишлари мохиятини тўлиқ билишмайди. Малакавий амалиёт бўйича хисоботлар тўғри тўлдирилмаган(Хирургия, Нейрохирургия, Педиатрия, Травматология, Анестезиология ва реаниматология).

4. Магистратура битирувчиларининг иш билан таъминланганлик хақидаги хужжатларни ўз вақтида маркетинг бўлимига топширмаганлиги.

5. Магистр-талабаларнинг грантларда иштироки ва чет давлатларда малака ошириш кўрсаткичлари фақат айрим кафедралар ҳисобига амалга оширилмоқда (Неврология, Хирургия, Дерматовенерология, Онкология, Кардиология). Бошқа кафедраларда бу ишлар суст амалга оширилади.

Таклифлар:

1. Магистрлик диссертациялари сифатини ошириш учун асосий жавобгарлар кафедра мудирини, программа директорини, диссертация раҳбарларини диссертация ишини тайёрлаш ва ҳимоя олди апробацияларда топилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиши зарур. Хар бир магистр-талаба ўз илмий иши учун жавобгар эканлигини ҳис қилиши зарур.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда битирувчи магистр талабаларни иш билан таъминлашда кафедра мудирлари ва программа директорлари режа асосида иш олиб боришлари лозим.

3. Магистр-талабаларни кафедрадаги грантларда, чет элда малака ошириш, семинар ва конференцияларда магистр-талабалар иштирокини ошириш. Чет эллик юқори малакали мутахассислар иштирокида академиямизда семинар-тренинг, мастер класс ва интеграл маърузалар ташкил этиш ва уларнинг сонини кўпайтириш зарур.

4. Магистр-талабаларга ўқиш ва малакавий амалиёт учун ўзлаштириш кўрсаткичларини билимига қараб қўйиш, дарс қолдирган талабалар хақида маълумотни ўз вақтида магистратура бўлимига топшириш учун жавобгарлик кафедра мудирини ва программа директорларига юкланади.

Магистратура бўлими бошлиғи доцент:

А.А.Имамов